

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДАГИ БАЛЛАДАЛАРНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ (УСМОН АЗИМ ВА ХУРШИД ДАВРОН АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Фируза Нормуротовна БУРИЕВА

Ассистент-ўқитувчи

мустақил изланувчи

Ўзбекистон-Финляндия институти

Самарқанд, Ўзбекистон

feruzaburiyeva79@mail.ru

Аннотация

Мақолада ўзбек адабиётига Ғарб шеърияти орқали кириб келган жанрлардан бири бўлган балладанинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинади. Унда ушбу лирика жанрининг баъзи адабиётларда эпик турга киритилиши сабаблари ҳақида мулоҳаза юритилиб, шоир Усмон Азим ва Хуршид Даврон балладалари таҳлили мисолида назарий асослари келтирилади.

Таянч сўзлар: баллада, адабий тур, эпик тасвир, лирик кечинма, воқеабандлик, шеърий шакллар.

ЖАНРОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ БАЛЛАД В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ (НА ПРИМЕРЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ УСМАНА АЗИМА И ХУРШИДА ДАВРОНА)

Фируза Нормуротовна БУРИЕВА

Ассистент-преподаватель,

независимый исследователь

Узбекско-Финляндский институт

Самарканд, Узбекистан

feruzaburiyeva79@mail.ru

Аннотация

Статья посвящена особенностям баллады, одного из жанров, вошедших в узбекскую литературу через Западную поэзию. В ней речь идет о причинах отнесения этого жанра лирики к эпическому типу в некоторых источниках и приводились теоретические основы на примере анализа баллад поэта Усмана Азима и Хуршида Даврана.

Ключевые слова: баллада, литературный тип, эпический образ, лирическое переживание, действительность, поэтические формы.

Адабиётшуносликда бадий асарлар ўзига хос хусусиятларига кўра уч (лирик, эпик ва драматик) турга ажратилиши анъанадир. Шунингдек, назарий маълумотларда адабий асарларни турларга ажратиш нисбий тушунча эканлиги, адабий турларнинг ўзига хос хусусиятлари уларга мансуб жанрларда баъзан намоён бўлиши ҳақида ҳам маълумотлар учрайди: "...агар адабиётни чинор дея тасаввур қилсак, бу чинорнинг учта (эпик, лирик,

драматик) шохи бор, яъни учала шох ҳам бир танадан; учаласининг ривожид ҳам, тириклиги ҳам шу танага ва бир-бирига боғлиқдир.

Бундан кўринадикки, ҳар бир турнинг ўзига хос хусусиятлари (предмети бўлишидан қатъи назар, асоси ҳам бўлган ҳаётни қайта жонлантириш экан, демак, улар бир-биридан кескин чегаралар билан ажралмайдилар, балки кўпинча бир-бирлари билан араллашиб, қураллашиб, ўзаро таъсир кўрсатиб, таъсирланиб яшайдилар” [3;213]. Адабий турларга мансуб жанрларнинг деярли ҳар бирида маълум тур белгилари устувор бўлгани ҳолда бошқа адабий турларга хос хусусиятлар ҳам синкретик (қоришиқ) тарзда келади. Лирик тур жанрлари орасида айримлари икки адабий тур белгиларини бирдек ўзида намоён этади: дoston, баллада каби жанрлар шулар жумласидандир. Чунончи, дoston лирик турга мансуб эканлиги инкор этилмагани ҳолда у лирик, эпик, драматик дostonлар сифатида ажратиб ўрганилади. Шунингдек, адабиётшуносликда ушбу жанрнинг учала тур хусусиятларини барабар ўзида мужассамлаштириб бораётганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам етакчи назарий фикрлардандир: ”Замонавий дostonларда ҳар учала тур хусусиятларининг чатишиб бораётганлигини бугун ҳам илғаш қийин эмас. Уларда лирик, эпик ва драматик тасвир усуллари тобора фаоллашиб бормоқдаки, муайян асарни маълум бир тур ва жанрга мансублигини аниқлаш мураккаблашмоқда. Шунинг учун дostonларни таҳлил этишда у ёки бу тур қурилишига хос белгилардан қайси бирининг устуворлигига эътибор қаратмоқ лозим кўрилади” [6;10]. Шунингдек, баллада жанри ҳақида ҳам эпик тур белгилари энг кўп мужассамланган лирик жанр эканлигини айтиб ўтишимиз жоиз. Ҳатто адабиётшуносликка оид айрим манбаларда балладанинг эпик тур жанри эканлиги қайд этилган ўринлар ҳам бор: “Эпос ўзида мифлар, эртаклар, ривоятлар, масаллар, афсоналар, дostonлар, балладалар, фалакиёт ва илоҳиёт ҳақидаги қиссалар каби жанрларни бирлаштиради” [6;217] Фикримизча, дoston каби балладаларда ҳам лирик турга мансублик устувор белги бўлгани ҳолда эпик тур белгиларининг ҳам берилиши назарий асос этиб олиниши мақсадга

мувофиқ. Ушбу адабий жанр тўғрисида “Адабиётшунослик луғати”да берилган қуйидаги фикрда балладанинг лирик турга мансублиги таъкидланмаган бўлса-да, эпик турга мансублиги ҳам қатъий айтилмайди: “*Баллада* (фр. ballade - рақсбоп кўшиқ) - 1) ўрта асрлар француз адабиётидаги қатъий шеърий шакл, бир хил қофияланиш тартибидаги (абаббсбс) ҳар бири саккиз мисрадан ташкил топган учта банд, банднинг охириги мисраси таржеъ сифатида такрорланадиган, ўқувчига мурожаат қилинган ярим банд (тўрт мисралик - бсбс) билан якунланувчи шеър; 2) кейинги даврлар Европа адабиётларида кенг тарқалган Б. инглиз-шотланд халқ шеъриятидан келиб чиқади. Агар француз Б.си қатъий шеърий шакл бўлса, инглиз Б.сида шаклий талаблар анча эркин (қофияланиш тартиби қатъий эмас, таржеънинг бўлиши шарт эмас), у бир хил, одатда, тўрт мисрали бандлардан ташкил топади. Инглиз Б.сининг белгиловчи хусусиятлари сифатида тарихий, тарихий-афсонавий, баъзан эса маиший мавзуда ёзилиши, кичик воқеабанд сюжет асосига қурилган эпик характердаги шеърий асарлигини кўрсатиш мумкин” [3;63]. Адабиётшунос олим Эркин Худойбердиевнинг “Адабиётшуносликка кириш” асарида эса баллада эпик турга мансуб жанрлар сирасида саналади: “Жумладан, эпик тасвир эпопеяда ҳам, масал, баллада, поэмада ҳам, очерк, ҳикоя, повест, романда ҳам, бадий мемуарларда ҳам қўлланиб келинади” [4;189]. Таърифдан кўринадики, балладаларнинг сюжетга эга бўлиши уларнинг эпик характери юзага келтиради. Лекин биз Усмон Азим ва Хуршид Даврон ижодидаги балладаларни таҳлил этар эканмиз, ушбу жанрга мансуб шеърий намуналарни устуворлик белгисига кўра лирик турга киритган ҳолда уларда ифодаланган эпиклик хусусиятлари, яъни сюжетга эга бўлиши, қаҳрамонларнинг иштирок этиши, баъзан диалогик нутқларнинг ифодаланиши каби белгилари таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз. Лириканинг ушбу жанри ҳар иккала шоирда ҳам кўплаб учровчи етакчи жанрлардандир. Усмон Азимнинг турли йиллардаги шеърий тўпламига киритилган “Буюмлар ҳақида баллада”, “Йигирманчи йиллар балладаси”, “Эллагинчи йиллар балладаси”, “Энг сўнгги оҳу ҳақида

баллада”, “Дашт ҳақида баллада”, “Бойсун ҳақида ғамгин баллада”, “Севги ҳақида умидбахш баллада”, “Қуш ҳақида баллада”, “Илк шеърнинг ёзилиши ҳақида баллада”, “Булбулга айланган одам ҳақида баллада”, “Дераза ҳақида баллада”, “Нодраматик баллада ёки беғам марш”, “Армон ҳақида баллада”, “Чироқлар ҳақида баллада”, “Уч драматик баллада” каби шеърлари шулар жумласидандир.

Биз Хуршид Даврон ижодига назар ташлаганда, миқдор жиҳатидан у қадар кўп бўлмаса-да, унинг ижодида ҳам баллада ўзига хос мавқега эга бўлган жанрлардан эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шоирнинг турли шеърӣ тўпламларидан ўрин олган “Фронтовик ҳақида баллада”; “Баллада II”, “Она тили ҳақида баллада”; “Баллада”, “Сотқин ҳақида баллада”; “Ханжар ҳақида баллада”, “Қамал, нон, ака-укалар ҳақида баллада” каби асарлар унинг ижодидаги балладаларга мисол бўла олади.

Ҳар икки шоир ижодида балладаларни таҳлил этар эканмиз, ҳар қандай шеърӣ шакллар каби мазкур жанр ҳам шоир индивидуал услуби, ижодида етакчи аҳамият касб этувчи мавзуларни ўзида мужассамлантиришининг гувоҳи бўламиз. Шоир Усмон Азим ижодидаги балладалар кўпинча чуқур лиризм билан йўғрилган бўлиб, юқорида балладанинг назарӣ қоидаларида келтирилган эпик характерлилик, қисқа воқеабандлик баъзан кўринмайди. Шоир балладаларидаги образлар ҳам кўпинча мажозӣ характерга эгадир. Масалан, шоирнинг “Сайланма”сидан олинган “Армон ҳақида баллада” шеърӣда армон – бу севгисига эришолмаган икки бебахт инсон. Балладада қисқа сюжет: инсон ҳаётида юз берган фожиалар, кўнгилсизликлар туфайли у қанчалик дардманд ва армонли бўлмасин, умр деб аталган мажбуриятни яшаб ўтиши кераклиги тасвирланади. Баллада қаҳрамони ҳам қачондир севгисига етолмаган, шу туфайли улкан армон туйғусини ҳис этмоқда, ҳатто шеърда унинг ўзи армон сўзи билан аталади. Лекин ёлғиз қолганда бу дардга берилади, кундузи эса жамиятнинг бир аъзоси сифатида бошқалардан фарқ қилмайди. Балладада ифодаланган ушбу ҳаётӣ фалсафа орамиздаги кўп инсонларга тегишли. Ҳаёт тўхтаб турмайди. Инсон қанчалик изтиробли

кунларни бошидан кечирмасин, яшашда давом этишга мажбур. Балладада бу куйидагича ифодаланади:

*Бир шарпа эшикка кириб йўқолар,
Бир шарпа ортига қайтар мунғайиб —
Гандираклаб, қалтираб, ориқлаб қолар,
Дераза ичига бўлгунча гойиб.
Шу куни бир одам ишга боради,
Ҳаммага табассум қилади ширин [1;286].*

Балладанинг жанр қоидаларидан бири ундаги мусикийлик, воқеанинг чуқур ҳиссиёт билан ифодаланишини айнан ушбу балладада кўриш мумкин. Ундаги икки армон – ошиқ тилидан келтирилган диалогларда воқеликнинг лиризм билан йўғрилиб, таъсирчанлик касб этганлигини кўриш мумкин:

*— Қайдасан, узоқдан келдим согиниб,
Согиндим танимда қолмади дармон.
Мен орзу-умиднинг ғамгин ёлқини,
Мен — Армон! Кўйингда қоврулган Армон!
Ва уйнинг эшиги очилар бесас,
Бир шарпа чиқади булутдан сузиб:
— Келдингми мен билан олгани нафас,
Келдингми йўлларнинг танобин узиб? [1;286]*

Шоирнинг мазкур балладаси ушбу жанр назариясида берилган хусусиятларни деярли ўзида мужассам этганлиги билан эътиборга молик. Баллада ҳам кичик шеърӣ лавҳада муайян воқеани тасвирлайди ва унда муаллифнинг романтик кайфият билан йўғрилган муносабатини ифода қилади, аммо у жиддий руҳда ёзилиши, ижобий ҳодисаларни ёритиши, рамзли ифода ўрнига бевосита ҳаётӣ ҳодисалар тасвирига мурожаат этиши билан масалдан ажралиб туради. Усмон Азим балладаларида рамзли ифодалар ҳам, ҳаётӣ ҳодисалар тасвири ҳам, баъзан қандайдир буюмларнинг лирик тасвир воситаси сифатида келиши ҳам учрайди. Умуман, шоир балладаларида эпик тасвирлардан кўра лиризм, романтик кайфият

устун. Шоирнинг аксарият балладаларидаги воқелик реал ҳаётда юз бермайди, балки шоир руҳиятдаги ҳолатларни гўё бир сюжет чизигига солади-ю ифодалайди. Бундай балладаларни тўлиқ лирик кечинмаларни тасвирловчи шеърӣ намуналар дейиш мумкин. Масалан, шоирнинг “Дарс” тўпламига киритилган “I Баллада” деб номланган шеъри шундай балладалар сирасига киради.

*Бир тарафда сахро – безабон,
Бир тараф тоғ – қушлар ўтолмас.
Бир тарафда музтўлқин уммон,
Бир тарафда олов ёнар маст.
Оёқ босгин – ер йўқ пойингда,
Учай десанг осмонлар тошдир.
Ёлғизлик – шу дўзах ичида
Қолиб кетган бир ғариб бошдир.
Шундай ғариб кечдим кўйингда,
Согинчингни шеърга кўчирдим.
Узун хатлар битиб ўйингда
Ғоз бўйнига боғлаб учирдим.
Баҳор келди чалиб шаън созлар,
Ғозлар ўтар. Чорлагин шодон,
Минг йилларки, бесавод ғозлар,
Адресингни тополмай сарсон [2;118].*

Шеърда берилган макон тасвири ваҳимали, шоир уни дўзах деб атайди. Чунки лирик қаҳрамон ёлғизлик азобини чекмоқда. Аслида ҳар бир инсон атрофга ўз ички дунёсидан келиб чиқиб назар солиши ва ўз кечинмалари таъсирида мавжуд воқелик, ҳаёт унга турлича рангда намоён бўлиши маълум. Мазкур балладада ҳам инсон руҳияти манзаралари акс этган. Шеър саккиз мисралик икки банддан ташкил топган бўлиб, агар ундаги тасвирни гарчи ҳаёлий бўлса-да, сюжет деб олсак, биринчи бандда экспозиция, иккинчи бандда воқеа ривожӣ ҳамда хотима-ечим, яъни лирик қаҳрамоннинг

айрилиқда хат ёзиши-ю, “бесавод ғоз”ларнинг уни ўз эгаларига ҳеч қачон етказолмаслиги ифодаланади. Кўринадик, шеър ечими ниҳоятда умидсиз туйғуларни ифодалайди. Балладага хат ташувчи ғозлар деталининг киритилиши ва уларнинг манзилни топа олмай сарсон эканлиги айрилиқнинг мангулигига ишорадир.

Усмон Азим балладалари турлича шеърий шаклларда, тўртлик, саккизлик, баъзан бандсиз шеър шаклида ифодаланади. Аслида ҳам ушбу жанрнинг хусусиятлари мазмунга кўра ўзига хослик касб этади. Баллада жанри ҳақидаги ушбу фикрларни Хуршид Даврон ижодидаги балладаларга нисбатан ҳам айтсак бўлади. Лекин Усмон Азим балладаларига қиёсан олганда бу шоирнинг балладаларида лирик кечинмаларнинг иккинчи даражали ўринга тушиб эпиклик хусусиятлари етакчи бўлганлигини кузатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, балладани адабиётшуносликка оид ўқув қўлланмаларида баъзан эпик, баъзан эса лирик турга мансуб шеър шакли сифатида қаралишини тушуниш мумкин. Демак, балладада аксарият ҳолларда воқелик ифодаланади. Лекин ундаги воқелик пафос билан ўта ҳиссиётга қоришган ҳолда берилиши керак. Тасвирларда ижодкорнинг услубига кўра баъзан эпиклик, баъзан лирика етакчи бўлиб қолади. Шундай экан, Хуршид Даврон балладалари таҳлилида эпик тасвирларда лирик кечинмалар ифодасига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, шоирнинг ушбу жанрда тасвирлаган воқеалари ҳам кўпинча тарихийлиги билан ажралиб туради. Масалан, шоирнинг “Она тили ҳақида баллада” шеърини икки қисмга бўлиб таҳлил этиш мумкин. Шеърнинг иккиликлар тарзида келиб, мумтоз маснавийлар каби а-а б-б с-с... тарзида қофияланиши унда воқеа тасвирини ифодалаш учун қулай шакл эканлиги манбаларда ҳам келтирилган: “*Маснавий* (ар. - иккилик) – иккита ўзаро қофияланган мисралардан таркиб топувчи банд тури, шундай бандлардан таркиб топувчи шеърий асар; шеър шакли. Мисраларининг ўзаро қофияланиши (аа, бб, сс, дд каби) М.ни воқеалар баёни учун жуда қулай шаклга айлантиради. Чунки мумтоз адабиётда ҳам воқеабандлик учун асосан маснавий шакли танланганлиги ҳам

маълум. Мазкур баллада ўн бешта иккиликдан иборат бўлиб, дастлабки саккизта иккилик воқеа тасвирига бағишланган, сўнгги еттита иккилик ўша воқеликдан келиб чиқадиган лирик хулосага ажратилган. Шоир ижодий тўқимаси ҳосиласи бўлган қисқагина шеърый сюжетда бир оила фожиаси, ёв томонидан ота-онаси ўлдирилиб, етим қолган бола образи тасвирланган. Ёвнинг мақсади эса қуйидагича ифодаланади:

Қичқирар: “Ҳеч қачон энди бу бола

Бошида онаси айтолмас алла.

Ҳеч қачон очолмас она дилини

Ва гўдак унутар она тилини”.

Баллададаги эпик тасвир, воқеанинг назмий баёни шу жумлада тугайди. Сўнгра шоирнинг лирик хулосалари баён этилади.

...Она тили асло бўлмагай унут,

Агар ишонмасанг, қулогингни тут:

Онанинг қайғуга тўлган кўзлари –

Она тилининг энг буюк сўзлари.

Тингла, богда дарахт шу тилда гуллар,

Даштда бўрилар шу тилда увиллар.

Ялтизлар, булоқлар, кўкда юлдузлар

Бола билан она тилида сўзлар...

Ватанга нисбатан миллий ғурур, қадриятларнинг муқаддаслиги, тарихдан ифтихор туйғуларини шеърда ифодалаш ҳар қандай шоирнинг ҳам қўлидан келавермайди. Сабаби, бу туйғулар ҳамманинг ҳам юрагига чиндан жо бўлиши мушкул. Қачонки, шоир чуқур ҳис этмаган кечинмалари ҳақида ёза бошласа, маддоҳлик, ёлғон кучаяди. Ўзбек шеъриятига назар ташлайдиган бўлсак, ватанпарварлик, тарих, миллий ғурур ҳақида чин ёзадиган шоирлар санокли. Улардан бири эса Хуршид Даврон. Шоирнинг бу борадаги туйғулари ҳаққонийлигига сабаб унинг юрт тарихини севишда, синчков ва зукко назар билан уларни ўрганишида. Шу туфайли шеърларидаги ҳар қандай тасвир, ҳатто баъзан муҳаббат мавзуси ҳам

тарихийликка йўғрилган. Юқоридаги шеърий парчага эътибор қиладиган бўлсак, кечинмалар шахсга тегишли бўлса-да, дидактика устун. Лекин ундаги пандона руҳ кишига ўта юқувчан, чунки даъват эмас, тасвир етакчилик қилади. Шеърдаги дарахтларнинг гуллаши, бўрининг увиллаши, ялпиз, булоқ, кўкда юлдуз, вайрон қалъалар, отанинг қони – бари тил ҳақидаги миллий ғурур туйғусини уйғотиш учун хизмат қилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Азим, Усмон. Сайланма. – Тошкен: Шарқ, 1995. – 432 б.
2. Азим, Усмон. Дарс. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1986. – 128 б.
3. Умунов Х. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 254 б.
4. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 272 б.
5. Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 228 б.
6. Ҳасанов Ш. Достон таркиби ва табиати: монография. – Самарқанд: Самарқанд, 2011. – 210 б.